

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ БАРҚАРОР СУРЪАТДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрида бўлиб турибди.



Президент Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга амалий ташрифи АҚШ савдо вазири Ховард Латник билан учрашувдан бошланди.

Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклигини янада мустаҳкамлашнинг амалий жиҳатлари, шунингдек, устувор йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Қўшма Штатлар Ўзбекистоннинг асосий шерикларидан бири эканлиги мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ҳажми 1 миллиард доллардан ошди, мамлакатимиз бозорида АҚШнинг 340 га яқин компаниялари фаолият юритмоқда.

Энергетика, ўта муҳим минераллар, транспорт, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда йирик лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Қиймати 35 миллиард доллар бўлган уч йиллик Иқтисодий ҳамкорлик дастури амал қилмоқда.

Устувор лойиҳаларни тизимли қўллаб-қувватлаш учун яқинда ташкил этилган Ишбилармонлик кенгашининг имкониятларидан фойдаланиш ва Инвестиция платформасини ишга тушириш зарурлиги таъкидланди.

Савдо муносабатларини ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон ҳудудлари билан тўғридан-тўғри ишбилармонлик алоқаларини кен-

гайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Вашингтон шаҳрига ташрифнинг ишбилармонлик тадбирлари давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Экспорт-импорт банки президенти ва раиси Жон Иованович ҳамда Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси (DFC) бош ижрочи директори Бэн Блэкини қабул қилди.

Ўтган йили Президент Дональд Трамп билан бўлиб ўтган музокара-лар АҚШ ишбилармон доиралари билан савдо-инвестициявий ҳамкорликни кенгайтиришга кучли туртки бергани таъкидланди.

Ишбилармонлик кенгаши фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва устувор лойиҳаларни тизимли илгари суриш учун Инвестиция платформасини ишга туширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Эксимбанк билан ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди. Йирик саноат ва инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштиришни кенгайтириш ҳамда юқори технологияли ускуналар етказиб беришни қўллаб-қувватлаш шулар жумласидан.

“DFC” раҳбарияти билан суҳбатда инвестициявий ҳамкорлик механизмларини мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди. Корпорациянинг йирик миллий ва минтақавий лойиҳаларда иштирок этиш, молия бозори ва энергетика тармоғини ривожланти-

риш бўйича режалари қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Президенти АҚШ томонини Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этишга таклиф қилди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари ҳузурида ташриф давомида имзоланган Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида инвестиция платформасини ташкил этиш тўғрисидаги битим амал-ишга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга амалий ташрифи доирасидаги ишбилармонлик учрашувларининг навбатдагиси АҚШ савдо вакили Жеймисон Грир билан бўлди.

Қўшма лойиҳалар доирасида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросимининг амалий натижалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатлари, энг аввало, савдо-иқтисодиёт ва инвестиция соҳаларида барқарор суръатда ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Ўзаро савдонинг кўпайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишдаги муваффақиятлар мамнуният билан қайд этилди. Ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард доллардан ошди.

Мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини якунига етказишга оид масалаларда амалий ҳамкорлик-

ни кучайтириш ва АҚШ томонидан ушбу жараёнларни янада қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Махсулотларни барқарор етказиб бериш, техник тартибга солиш ва рақамли савдога оид минтақавий ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадида Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ ўртасидаги Савдо ва инвестициялар бўйича ҳадли битим (TIFA) доирасида ҳамкорликни фаоллаштириш таклифи билдирилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти АҚШ савдо вакили Жеймисон Грирни жорий йилнинг июнь ойида бўлиб ўтадиган Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этишга таклиф қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Вашингтон шаҳрига ташрифининг ишбилармонлик дастури доирасида икки томонлама ҳужжатларни имзолашга бағишланган маросим ва қўшма лойиҳалар тақдиротида иштирок этди.

Тадбирда АҚШ ҳукумати ва молия институтлари вакиллари — савдо вакили Жеймисон Грир, Президентнинг махсус вакили Паоло Замполли, Эксимбанк президенти ва раиси Жон Иованович, АҚШ — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм, шунингдек, “Traxys”, “Valmont Industries”, “Gulf Oil”, “Avigen Broiler

Breeding Group”, “John Deere”, “BlackRock Financial Markets Advisory”, “Oppenheimer” ва бошқа етакчи компаниялар раҳбарлари иштирок этди.

Видеоалоқа орқали учрашувда Ўзбекистон ҳудудлари раҳбарлари ҳам қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида янги, амалий форматда ўтаётган ушбу учрашув бундан аввалги давра суҳбатининг мантикий давоми ҳамда иқтисодий шериклик стратегик ишонч ва ўзаро манфаатдорлик руҳида юксак даражага кўтарилаётганининг фидоси эканини таъкидлади.

— Бугунги кунда шериклар ишончли, қоидалар аниқ-равшан, ҳамкорлик эса узоқ муддатли бўлиши етакчи ўринга чиқмоқда. Биз Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорлигимизни айнан шу мантиқ асосида қурмоқдамиз, — деди Президентимиз.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим йўналишларига тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари иқтисодиёт Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклиكنинг асосий таянч нуқталаридан бири эканини таъкидлади.

Қўшма Штатлар билан ҳамкорлиكنинг устувор йўналишлари қаторида ўта муҳим хомашё, нефть-кимё, энергетика, қишлоқ хўжалиги, паррандачилик ва бошқа тармоқлар кўрсатиб

ўтилди. АҚШ Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси ва Эксимбанкнинг битимларга ҳамроҳлик қилишда доимий ҳамкорлар сифатидаги роли ортиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Қўшма Ишбилармонлик ва инвестиция кенгашининг салоҳиятидан фол фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Худудлараро алоқаларни мустаҳкамлаш доирасида Ўзбекистон ҳудудлари раҳбарларининг АҚШнинг ҳамкор штатларига ташрифларини ташкил этиш топширилди.

Давлатимиз раҳбари ҳузурида ёқилги қуйиш шохобчалари тармоғини қуриш, ёмғирлатиб сугориш технологияларини жорий этиш, муҳим минералларни қазиб олиш ва етказиб бериш, паррандачилик кластерини ташкил этиш, агросаноат, молия бозорини ривожлантириш ҳамда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, бутун халқимизни юртимизга меҳр-оқибат, хайру саховат ва шукроналик тимсоли бўлган муқаддас Рамазон ойининг кириб келиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Албатта, ушбу қутлуг айёмда барчамизни Рамазонини шарифга мана шундай соғомон, бирлик ва ҳамжихатликда етказгани учун Парвардигори оламга чексиз шукроналар айтамыз.

Эл-юртимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган, инсонни эзгу ва савоб ишларга даъват этадиган ушбу ойни муносиб тарзда ўтказиш мақсадида бу йил ҳам мамлакатимизда катта тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳалла ва уй-жойлар, масжид ва мадрасаларни обод қилиш, кекса, ногирон ва ёрдамга муҳтож шахсларнинг ҳолидан хабар олиш, қўшнилари, яқин қариндошларга меҳр ва эътибор кўрсатиш, ибодат ва ифтор маросимларини тартибли ўтказишга хонадон ва маҳалла ахллари, жамоатчилик вакиллари тарафидан алоҳида аҳамият берилмоқда.

Буларнинг барчаси бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини, инсонпарварлик тамойилларини

мустаҳкамлаш, юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилиши табиий, албатта.

Рамазон ойининг улуғ фазилатлари, ахлоқий-маънавий аҳамияти айнан ана шундай олийжаноб ишларда яққол намоён бўлади, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, кейинги йилларда инсон қадрини, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий адолат Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, шу асосда амалга ошираётган кенг қўламли ислохотларимиз халқимиз ҳаётини тубдан ўзгартираётганини таъкидлаш ўринлидир.

Жорий йилни мамлакатимизда **“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”** деб эълон қилганимиз ва бу борада тегишли амалий ишларни бошлаб юборганимиз замирида ҳам ана шундай буюк интилишлар муассамдир.

Жамиятни юксалтириш асоси маҳалладир. Чунки маҳаллада ўсиш ва ўзгариш бўлса, бутун жамият ривожланади. Маҳаллаларимизнинг ютуғи ва фаровонлиги пировард натижада бутун жамиятнинг ютуғи ва фаровонлиги сифатида намоён бўлади.

Азиз дўстлар!

Қутлуг заминимиз узра Аллоҳ таолонинг

марҳамати ёғилиб турган мана шундай саодатли кунларда ажодлар хотирасини, уларнинг эзгу ишлари, хайрли амалларини эслаш ва давом эттириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ислом дини ва маданияти раванкига бекиёс хисса қўшган буюк алломаларимизнинг муқаддас қадамжоларини обод қилиш, илмий меросини тиклаш ва ўрганиш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида тарғиб этиш бўйича қўлгина ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум, албатта.

Улуғ ажодларимизнинг шонли анъаналарига садоқат билан яшаб келаётган халқимизнинг азму шижоати билан ноёб меъморий лойиҳалар асосида Тошкент шаҳрида — Ислон цивилизацияси маркази, Самарқандда эса буюк муҳаддис бобомиз Имом Бухорий мажмуасини бунёд этиш ишлари якунига етказилганини фохр билан айтиб ўтмоқчиман.

Рамазони шариф кунларида муҳтарам уламоларимиз, илм-фан ва ижод аҳли, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ана шу табарруқ масканларда буюк азиз-авлиё ва алломаларимиз хотирасига эвсон дастурхонлари ёзиб, бу муқаддас зейратгоҳлар эшикларини халқимиз учун кенг очишни режа қилганмиз

ва бу ишларни албатта амалга оширамиз.

Афсуски, ҳозирги вақтда жаҳоннинг турли минтақаларида уруш ва жанжаллар давом этмоқда. Пок ниятлар қабул бўладиган ушбу муборак айёмда низо ва адоватлар барҳам топиб, тинчлик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик алоқалари қарор топишини чин дилдан истаб қоламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, узоқ ва яқин мамлакатлардаги ватандошларимизга, бутун мусулмон умматига ҳам самимий табрик ва тилакларимизни йўлаймиш.

Мухтарам юртдошлар!

Сизларни эзгулик, меҳр-мурувват ва барака ойи — моҳи Рамазоннинг бошланиши билан яна бир бор табриклайман.

Ушбу шукӯҳли кунларда барчангизга сихат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Руза кунларида қилинадиган барча ибодатлар, эзгу ният ва амаллар ижобат бўлсин!

Халқимизни, Ватанимизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

Рамазон ойи барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон — АҚШ: ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Вашингтон шаҳридаги Тинчлик кенгашининг илк йиғилиши нафақат Яқин Шарқдаги зиддиятларни ҳал қилиш, балки халқаро муносабатларнинг янги форматини шакллантириш йўлидаги тарихий воқеа сифатида баҳоланмоқда. Ушбу платформада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг иштирок этиши Ўзбекистоннинг дунё сиёсатидаги ўрни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганидан, сиёсий вазни ортанидан далолат беради.

Биз ва жаҳон

Давлатимиз раҳбари шу йил 22 январь куни Швейцариянинг Давос шаҳрида Тинчлик кенгаши Низомини имзолаши орқали мамлакатимиз ушбу тузилмага таъсисчи сифатида аъзо бўлиб кирди. Тинчлик кенгашининг ташкил қилиниши Ўзбекистон ташқи сиёсатининг тинчликни таъминлаш борасидаги ташаббуслари ва қўп қиррали ҳамкорлиқни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифаларига мосдир.

Анжуман

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН
ШАХСЛАР УЧУН
ТЎСИҚСИЗ МУҲИТ

Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсад ва вазибаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Уни Олий Мажлис Сенати Раиси, парламент комиссиясининг ҳамраиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисда Барқарор ривожланиш мақсадларининг “Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойилига мувофиқ ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда ушбу йўналишда жуда катта ўзгаришлар ва туб ислохотлар олиб борилди. Мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал асослар яратилди. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш масалалари бугунги кунда 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда.

Тиббий-ижтимоий экспертиза комиссиялари ҳамда вилоят марказларида жойлашган 33 та ихтисослаштирилган ва педиатрия комиссияси тугатилиб, ногиронлиқни белгилашнинг тамомила янги механизми жорий этилди, коррупциявий омилларга барҳам берилди.

Муҳтожларни протез ва реабилитация воситалари билан вилоят электрон тижорат орқали бауер асосида таъминлаш тартибига ўтилди. Протез ва реабилитация воситалари рўйхати 18 тадан 38 тагача кенгайтирилди. Ушбу йўналишда ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи тадбиркорлар сони 5 бараварга (27 тадан 134 тага) кўпайган. Шу тарика бундай воситаларни етказиб бериш мuddати 4 қарра қискарди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш борасида ҳам туб ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Бундай тоифадаги фуқароларни ишга олган тадбиркорларга солиқ ва ижтимоий тўловлар бўйича қатор имтиёзлар жорий этилиб, 1 ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган тадбир-

корлик субъектлариغا 50 млн. сўмгача субсидия ажратилмоқда.

Шунингдек, мажлисда ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда жамиятга мослашувини таъминлаш борасида Сирдарё вилоятида амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганиш ажуналари муҳокама қилинди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг қулай ва тўсиқларсиз ҳаракатланиши учун ҳар бир туман ва шаҳарда битта “ижтимоий кўча” ташкил этилган. Вилоятда 62 та мактабнинг 81 та синфида инклюзив таълим билан қамраб олинган болалар сони 117 нафарга етган. Сўнгги уч йилда ногиронлиги бўлган ёшларнинг олий таълим билан қамров даражаси 89 фоизга ортган.

Олиб борилган амалий ишлар натижасида 2025 йил давомида вилоятда меҳнатга лаёқатли 19 110 нафар ногиронлиги бор шахсдан 5 601 нафарининг (29 фоизи) бандлиги таъминланган. Шунингдек, 1 462 нафар ногиронлиги бўлган шахс яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланмоқда.

Парламент комиссиясининг мажлисида тизимли муаммолар мавжудлиги ҳам қайд этилди. Жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳимоя қилиш борасида ҳуқуқни қўллаш амалиёти-ни такомиллаштириш, улар учун тўсиқсиз муҳит яратиш ҳамда олий таълим тизимида инклюзив таълимни татбиқ этиш ишларини жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Яқунда Парламент комиссиясининг тегишли қарори, республика ҳамда Сирдарё вилоятида амалга оширилладиган чора-тадбирлар режаси (“Йўл харитаси”) қабул қилинди ҳамда мутасадди вазирилик ва идоралар зиммасига уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан зарур вазибалар юклатилди.

Ҳалардаги ҳамкорлиги юзасидан ҳам фикрлашди.

Қўмита раиси Алишер Аъзамхўжаев Туркий дунё муҳандислари ва меъморлари уюшмаси раиси Ильяс Демирчи билан ҳам учрашув ўтказди.

Унда шахарсозлик, архитектура, муҳандислик ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ҳамкорлиқни ривожлантириш ҳамда замонавий технологияларни жорий этиш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Хусусан, жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига амалга оширган расмий таширфи доирасида эришилган келишувлар ва лойиҳаларнинг ижросини таъминлаш доимий эътибор марказида эканлиги айтилди.

Сўхбат асосида муҳандис ва меъморлар ўртасида тажриба алмашш, қўшма ўқув дастурлари ҳамда малака ошириш курсларини ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди.

Ёшлар парламенти имкониятлари ҳақида сўзлаб берилди. Ёшларнинг қонунчилик ташаббуси билан чиқш, жамоатчилик нazorати тадбирларида иштирок этиш ҳамда тақлифлар билдириш ҳуқуқига эга экани таъкидланди.

Мулоқот давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга атофлича жавоб олди ҳамда парламента ва ёшлар ўртасидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш юзасидан қатор тақлифларини билдирди.

«Халқ сўзи».

Давра суҳбати

САРАТОННИ ЭРТА АНИҚЛАШ БЎЙИЧА
СКРИНИНГ ТЕКШИРУВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан “Бачадон бўйни ва кўкрак бези саратонининг олдини олиш бўйича дастурлар ижроси ҳолати” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда мутасадди вазирилик ва идораларнинг айни масалага доир ахборотлари эшитилди.

Маълумки, “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятнинг юксалтириш йили”да “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастури бўйича амалий тадбирлар режасида ҳар йили 700 минг аёлни бачадон бўйни саратони ва 1,7 млн. аёлни кўкрак бези саратонини эрта аниқлаш мақсадида скринингдан ўтказиш вазифаси қўйилган.

Шу билан бирга, скрининг орқали бачадон бўйни ва кўкрак бези саратони аниқланган беморлар учун “тезкор йўлак” (fast-track) даволаш механизмини жорий этиш, таъхис қўйилган кундан бошлаб даволашга ўтишгача бўлган муддатни қатъий белгилаш ва назорат қилишнинг янги тизими бўйича тақлифлар ишлаб чиқш вазибалари илгари сурилган.

Давра суҳбатида 2025 — 2030 йиллар давомида бачадон бўйни ва кўкрак бези саратонини назорат қилиш дастури мониторингини натижалари таҳлил этилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан мониторингдан мақсад дастур ижросини тизимли таҳлилдан ўтказиб бориш ҳамда келгусидаги вазибаларни белгилаб олишдан иборат экани таъкидланди. Бачадон бўйни ва кўкрак бези саратонини назорат қилиш дастури мониторингини натижалари кўрсатганидек, онкология марказларида “тезкор йўлак” орқали келган аёллар қабули бўйича алоҳида хоналар ажратилгани, муассасалар биопция олиш учун сарфлов материаллари билан етарли даражада таъминланганлиги қайд этилди.

Шунингдек, Давлат суғурта жамғармаси томонидан кольпоскопия ҳаражатларини қоплаш, ижтимоий ҳимоя бўйича уйда мобил палиатив ёрдам, ижтимоий хизматни кейс-менеджмент услуида ташкил этишга бўйича тақлифлар билдирилди.

Тадбир якунда тегишли тавсиялар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЧОРВАЧИЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА
ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси чорвачилик ҳамда паррандачиликни қўллаб-қувватлаш, соҳада юқори қўшилган қиймат яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан белгиланган вазибалар ижросини Тошкент вилояти мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганди.

Депутатлар дастлаб Қйрай туманида бўлиб, чорвачиликка ихтисослаштирилган субъектлар фаолияти билан танишди.

Кейинги йилларда мазкур соҳани янада ривожлантириш, чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг йирик чорвачилик ҳўжаликлари ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчилар билан ҳамкорликдаги фаолиятини кенгайтириш борасида тизимли ишлар олиб борилмақда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган дастур доирасида аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ҳамда тармоқларда ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиришга доир давлат сибсати изчил рўёбга чиқарилмоқда.

Мулоқотлар чоғида наслчилик, паррандачилик комплекслари томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истиқболдаги вазибалар, қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар муҳокама қилинди.

Депутатлар Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти ҳамда қатор тадбиркорлик субъектларида ҳам бўлди. Уларнинг фаолияти билан яқиндан танишиб, мулоқотлар ўтказилди.

Учрашувларда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси мутасаддилари томонидан қайд этилганидек, 2025 йилда мамлакатимизда 3,2 млн. тонна гўшт, шундан 1 млн. тонна парранда гўшти, 13,2 млн. тонна сут, 10,5 млрд. дона тухум етиштирилган. Хусусан, Тошкент вилоятида 344,5 минг тонна гўшт, 1,2 млн. тонна сут, 1,9 млрд. дона тухум тайёрланган.

Шу билан бирга, кооперация тизими асосида ҳам парранда маҳсулотларини етиштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмақда. Масалан, “Агропарранда кластери”

лойиҳаси доирасида Оҳангарон, Бекобод ва Ўрта Чирчик туманларида қуввати 2,5 млн. бош насли парранда боқишга мўлжалланган наслчилик ҳўжалиги қўрилиб, бир қисми ишга туширилган.

Ўрганишлардан маълум бўлишича, бугунги кунда вилоятда наслчилик тоифасига эга 349 та ҳўжалик фаолият юритиб келмоқда. Бундан ташқари, “Парранда боқиш — даромад топиш” лойиҳаси доирасида 40 мингдан ортиқ аҳолининг бандлиги таъминланган. Ва лойиҳага доир тадбирларга тегишли миқдорда кредит маблағлари ажратилган.

Ўрганишлар давомида Тошкент вилоятидаги аҳоли хонадонлари ва чорвачилик ҳўжаликларидаги 270 минг бошдан ортиқ ҳайвонлар идентификация қилинганлиги аниқланди.

Назорат-таҳлил тадбири давомида соҳада амалга оширилаётган ишлар эътироф этилиб, белгиланган вазибаларни ўз вақтида бажариш, чорвачилик ва паррандачилик соҳаларида юқори қўшилган қиймат яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тақлифлар берилди.

Ўрганиш ажуналари қўмитада масъул вазирилик ҳамда идоралар мутасаддилари билан биргаликда таҳлил қилиниб, тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

«Халқ сўзи».

Акс садо

ГЛОБАЛ ХАВФСИЗЛИК САРИ
МУҲИМ ҚАДАМ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Мазкур алоқалар фақат дипломатик мулоқотлар билан чекланиб қолмасдан, балки иқтисодиёт, инвестиция, хавфсизлик, таълим ва фуқаролик жамияти соҳаларида ҳам изчил ривожланмоқда.

АҚШ билан стратегик шериклиқни чўқурлаштириш Ўзбекистоннинг очик ва прагматик ташқи сиёсат юритиш йўлидаги муҳим қадамидир. Сўнгги йилларда олий даражадаги мулоқотлар фаоллашди, парламентлараро ҳамкорлик қучайди, Америка бизнес доираларининг мамлакатимизга қизиқлиши ортиди. Бу эса иқтисодий ислохотларимизга ишонч белгиси сифатида баҳолашни муқарар.

Шу билан бирга, хавфсизлик масалаларида ҳам конструктив ҳамкорлик йўлга қўйилган. Марказий Осиёда барқарорлиқни таъминлаш, терроризм ва трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш борасида Ўзбекистоннинг позицияси АҚШ томонидан эътироф этилмоқда. Энг муҳими, муносабатлар ўзаро ҳурмат ва тенг шериклик тамойили асосида ривожланмоқда.

Энди иккинчи масала — Ўзбекистоннинг янги халқлари тўзилма, яъни Тинчлик кенгаши таъсисчилари сафидан ўрин олишига тўхталаск.

Бугун глобал хавфсизлик тизими жиддий синфолардан ўтмоқда. Қуролли жоҳорлар, геосиёсий қарама-қаршилиқлар, озиқ-овқат ва сув хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар жаҳон ҳамжамиятидан янги ёндашув талаб қилмоқда.

Мамлакатимизнинг бундай тўзилма таъсисчилари қаторида бўлиши — бу давлатимиз ташқи сиёсатининг фаол ва ташаббускор характери намойён.

Бохром АБДУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

Айниқса, Президентимизнинг янги халқаро кўп томонлама платформа ҳисобланган Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида иштироки мазкур жараёнда алоҳида сиёсий мазмун бағишлади.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсати очиклик, прагматизм ва аниқ натижага йўналтирилган ёндашув асосида изчил равишда шаклланди. Бу сиёсат мамлакатни халқаро муносабатларда ташаббус кўрсатувчи, кун тартибини шакллантира оладиган давлатга айлантирди. АҚШга таширф ҳам ана шу сиёсий йўлнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистонни ишончли, олдидан айтиш мумкин бўлган ва масъулиятли ҳамкор сифатида намойён этди.

Ўзбекистоннинг Тинчлик кенгаши таъсисчи давлатлари қаторидан жой олгани мамлакат ташқи сиёсатини мазмунан бойитиб, глобал тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашга қаратилган ташаббусларда бевосита қатнашиш босқичига чиққанини аниқлади. Жорий йил январь ойида Давос шаҳрида ўтган Жаҳон иқтисодий форуми доирасида Тинчлик кенгашини таъсис этиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши айнан шу йўналишдаги саяй-ҳаракатларнинг институционал асосини яратди. Ўзбекистон мазкур жараёнда фақат қўллаб-қувватловчи эмас, балки ташаббуснинг тўлақонли таъсисчи сифатида қатнашди ва мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий устувор тамойилларини

Халқ сўзи

Олий Мажлис
Қонунчилик палатасида

БОЛАЛАР ОМБУДСМАНИ
МАЪРУЗАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси йиғилишида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмени)нинг 2025 йилдаги бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан риоя этилиши ҳолати ҳақидаги маърузаси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида тарихий ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 августдаги тегишли фармони билан ташкил этилган Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмени) институти болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмени) тўғрисида”ги Қонун билан Болалар омбудсмени фаолиятининг ҳуқуқий-институционал асослари такомиллаштирилди. “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун эса бу борадаги ислохотларнинг узвий давоми бўлди. Мазкур ҳужжат билан ёш авлодни зўравонликдан ҳимоя қилиш фаолиятини бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар, уларнинг ваколатлари аниқ белгилаб берилди.

Болалар омбудсмени маърузасига кўра, 2025 йилда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил номига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва омбудсманлар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан 1934 та мурожаат келиб тушган.

Ҳисобот йилида Бола ҳуқуқлари бўйича вакилининг шахсий қабулларида 141 нафар фуқаро билан мулоқот қилиниб, уларнинг 98 та мурожаати кўриб чиқилган.

Мурожаатлар таҳлили ва мониторинг фаолияти асосида давлат органлари томонидан бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўйилгани юзасидан жами 36 та тавсия ҳужжати — 2 та огоҳлантириш, 6 та тақдиминома, 25 та хулоса ва 3 та суд ҳужжати устидан протест келтириш тўғрисида илтимоснома киритилган.

Мурожаатларни ўрганиш натижасида аниқланган болаларга нисбатан содир этилган зўравонлик ҳолатлари юзасидан 19 та жиноят иш ҳамда 26 та маъмурий иш қўзғатилган. Қолаверса, болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари юзасидан 20 та жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор бекор қилиниб, қўшимча терговга қадар текширув олиб бориш учун юборилди.

Шунингдек, интернет тармоғида ўтказилган мониторинг натижасида аниқланган бола ҳуқуқларининг бузилишига оид ҳолатлар мутасадди давлат органлари билан ҳамкорликда ўрганилиб, болаларга нисбатан содир этилган зўравонлик юзасидан 23 та жиноят ва 28 та маъмурий иш қўзғатилиши таъминланди.

Маърузада келтирилганидек, ўтган даврда боланинг моддий таъминоти юзасидан жами 403 млн. 745 минг сўмлик алимент қарздорлигини ундиришга қўмақлашилди. 52 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага давлат бож ва бошқа тўловларсиз ID-карталар расмийлаштирилишига амалий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, 20 нафар имконияти чекланган бола тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга реабилитация, психологик-педагогик коррекция хизматларини ташкил этишда қўмақлашилди. Хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган 45 нафар бола эса Ўзбекистон Республикасига қайтарилди.

Муҳокама давомида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ва унинг котибати ҳодимлари Бола давомида 45 та фуқаролик, жиноят ва маъмурий иш юзасидан судларда иштирок этганига алоҳида эътибор қаратилиб, бола манфаатлари нуқтани назаридан судларда бундай фаол позицияда қатнашиш уларнинг ҳуқуқларини ишончли ва самарали ҳимоя қилинишига бевосита ҳисса қўиши ургунланди.

Йиғилишда қўмита аъзолари томонидан берилган саволларга батафсил жавоб олиниб, Бола ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2025 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси маъқулланди.

«Халқ сўзи».

пители иштирокидаги 340 та корхона фаолият юритмоқда, уларнинг 195 таси тўлиқ Америка капиталли асосида.

Қатор йирик компанияларнинг Ўзбекистон бозорига кириши мамлакат иқтисодиётига ишонч ошганини кўрсатади. Тошкент ва Нью-Йорк ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларнинг йўлга қўйилиши эса бизнес, туризм ва инсонлар ўртасидаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқди. Инвестиция соҳасида салмоқли келишувларга эришилгани, хавфсизлик йўналишидаги ҳамкорлиқнинг янги босқичга кўтарилгани эътиборга молик. Жумладан, терроризм, наркотрафик ва трансмиллий жиноятчиликка қарши қўшма саяй-ҳаракатлар қучайтирилди.

Гуманитар соҳада ҳам ҳамкорлик изчил кенгайиб бормоқда. Ўртимизда қатор таълим ва инновация марказлари фаолият бошлади. 120 нафардан ортиқ америкалик инглиз тили мутахассисларининг жалб этилиши таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Биродарлашган шаҳарлар ва маданий алмашинув дастурлари халқлар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамламоқда.

Албатта, ишончнинг ортиши инвестицияларни жалб этиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Янги Ўзбекистон тинчлик, ҳамкорлик ва очик мулоқотни устувор билган давлат сифатида ўз тараққиётини халқаро майдондаги фаол иштироки орқали таъминламоқда.

Муҳаммад БАЛИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Муносабат

РЕЖАЛАШТИРИШДАН – АМАЛИЙ НАТИЖАГА

Президентимиз томонидан яқинда тасдиқланган 2026 йилги Давлат дастури ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг навбатдаги босқичи — бу шунчаки режалар тўплами эмас, балки аниқ мақсадли кўрсаткичлар, молиявий манбалар ва ижро механизмлари билан мустаҳкамланган комплекс ислохотлар дастуридир.

Мазкур дастур стратегик бошқарувнинг мақсадли индикаторлар (KPI) орқали баҳолаш, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш ҳамда институционал ислохотлар орқали барқарорлиқни таъминлаш каби замонавий тамойилларга таянади.

Унда 2026 йил учун 337 та амалий чора-тадбир, 59 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва 12 та стратегик ислохот лойиҳаси ишлаб чиқилиши давлат бошқарувида тизимлилик ва ҳисобдорликни кучайтиришга хизмат қилади.

Дастурда иқтисодий ўсишни технологик ва инновацион моделга ўтказиш устувор вазифа сифатида белгиланиб, уни ички бозорда талабни рағбатлантириш, янги касб ва компетенцияларни шакллантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини 30 фоизга етказиш ҳамда “яшил иқтисодиёт” тамойилларини жорий этиш орқали амалга ошириш кўзда тутилган.

Унда жамият барқарорлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси алоҳида ўрин эгаллаган. Жумладан, аёллар ва болаларга нисбатан эъравонлик учун жазони кучайтириш, педофилия учун умрбод озоодликдан маҳрум этиш, жиноят ишлари бўйича судларда халқ вакиллари иштирокчини йўлга қўйиш ҳамда коррупцияга қарши курашишни янги босқичга олиб чиқиш каби бугунги кун учун ўта муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу чора-тадбирларнинг ўз ўрнида амалга оширилиши ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият тамойилларини янада мустаҳкамлайди.

Шунингдек, 250,5 трлн. сўм ички ресурслар ва 50,4 млрд. доллар ташқи инвестицияларни жалб қилиш режаси ислохотларнинг молиявий жиҳатдан таъминланганини кўрсатади.

Дастурнинг энг муҳим жиҳати, унинг очик муҳокама қилинганлиги. 5 миллиондан ортиқ фуқаролар лойиҳа билан танишиб, 22 мингдан зиёд тақлифлар билдиргани, шундан 1000 га яқини қабул қилинган “давлат — жамият — фуқаро” ўртасидаги ишонч механизмининг мустаҳкамланаётганини аңглатади.

Бу давлат бошқарувида иштирокчилик демократияси элементларини кучайтириб, қарор қабул қилиш жараёнини янада шаффоф ва халқчил мезонга чиқарди.

2026 йил Давлат дастури ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, бу — стратегик режалаштиришдан амалий натижага ўтиш босқичи. Иқтисодий модернизация, ижтимоий ҳимоя, экологик барқарорлик ва ҳуқуқий давлат қурилишига бир бутун тизим сифатида қаралаётгани ушбу дастурнинг энг катта устунлигидир.

Муҳими, ушбу ҳужжатлар ислохотларнинг узлуксизлигини таъминлаб, Янги Ўзбекистон тараққиётини аниқ мезонлар асосида баҳолаш имконини беради.

Марям НИЯЗОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.



АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

Гиёҳвандлик — аср вабоси. У нафақат инсоннинг соғлиги ва ҳаётига, балки бутун миллатнинг генофондига жиддий таҳдид солади. Бу иллатга қарши қатъий ва тизимли курашиш, жамиятда гиёҳвандликка нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, шунингдек, наркожиноят содир этган шахслар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш энг долзарб масалалардан саналади.

Қонун моҳияти

Дарҳақиқат, бугун гиёҳвандлик моддалари савдоси трансчегаравий ва виртуал характерга эга бўлиб бормоқда. Бу эса халқларни аниқлашда янги усулларни қўллаш, замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллаш ҳамда бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни тақомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида наркожиноятларга қарши курашишни умумийлик ҳаракатга айлантириб, жамиятда бу иллатга муросасиз бўлиш вазифасини қўйган эди. Шунингдек, Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат ҳавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётини яратиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видео-селектор йиғилишида ҳам уюшган жиноятчилик, наркожиноятлар, кибержиноятчилик ва “яширин иқтисодиёт”га қарши мутлақо янги тизим яратиш зарурилиги белгилаб берилганди.

Яқинда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларининг ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарликни тақомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгантиришлар киритиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ гиёҳвандлик моддалари ноқонуний савдоси билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Мазкур ҳужжат билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунга ҳамда айрим қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгантиришлар киритилган.

Жумладан, Жиноят кодексида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига ҳоқимият (мансаб) ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик (раҳнамолик) кўрсатганлик ёки бундай фаолият фош бўлишининг олдини олиш мақсадида хизмат фаолияти юзасидан ўзига маълум бўлган маълумотлар ҳақида хабар беришнинг қўшимча ва ўзгантиришлар киритилган. Бошқача айтганда, мазкур нор-



ма мансабдор шахслар гиёҳвандлик моддалари савдосида тўғридан-тўғри иштирок этмас ҳам, жиний фаолиятни пинҳона қўллаб-қувватлаш имконини берувчи ҳуқуқий бўшлиқни бартараф қилади. Ўз навбатида, бу чора профилактик таъсирни ҳам кучайтиради. Чунки алоҳида жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳақида хабардорлик мансабдор шахслар ва гиёҳвандлик савдоси билан шугullanувчи гуруҳлар ўртасида тил бириктириш хавфини камайтиришга ҳисса қўшади.

Шу билан бирга, ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш ва унинг фаолият юртидаги таъминланганлик учун жиний жавобгарлик назарда тутилди. Афсуски, сўнгги йилларда наркотик моддаларни қўлбола усулларда ёки махсус жиҳозланган ноқонуний жойларда ишлаб чиқариш, тайёрлаш ҳамда “зақладка” усулида тарқатиш ҳолатлари тобора кўпайиб бормоқда. Эндликда бундай қилмишларни содир қилган шахслар ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этганлик учун 20 йилгача озоодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Қонунда белгиланишича, нарколаборатория деганда, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ёки уларнинг аналогларини, кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш учун махсус ташкил этилган, бунинг учун зарур бўлган кимёвий моддалар, асбоб-ускуналар ва техник воситалар билан жиҳозланган ҳар қандай кўчар ёки кўчмас мулк объекти тушунади. Ушбу норманинг киритилиши гиёҳвандлик моддаларини ишлаб чиқариш манбаларини барвақт аниқлаш ва бартараф этиш орқали уларнинг жамиятга тарқалишининг олдини олишга қаратилган.

Бу турдаги жиноятларга қайта қўл урилишининг олдини олиш мақсадида жиний жавобгарлик чоралари оғирлаштирилмоқда. Хусусан, ўта оғир турдаги айрим наркожиноятлар учун жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озоод қилиш тартиби қўлланилмаслиги белгиланмоқда.

Бундан ташқари, айрим жиноятлар учун жазо чоралари кучайтирилмоқда.

Айтиш жоизки, жиноятларнинг қатъий жазоланиши қонунбузарликларни содир қилишдан оғохлантирувчи таъсир кўрсатади, жамиятдаги гиёҳвандлик ва наркотик билан боғлиқ ноқонуний фаолиятни камайтиришга, аҳолининг, айниқса, ёшлар ва заиф қатламлар саломатлигини муҳофаза этишга хизмат қилади. Шу билан бирга, қонунчиликда жазо чораларининг кучайтирилиши ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга ноқонуний муомалага қарши самарали курашиш имконини яратди.

Сир эмаски, мамлакат куч-қудрати ва тараққиётини белгилувчи асосий омиллардан бири — бу аҳоли саломатлиги, айниқса, ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш саналади.

Шу боис қонунда вояга етмаганлар ва ёшларни гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан ҳар томонлама асраш, ёшлар орасида гиёҳвандликнинг олдини олиш чораларини кучайтириш мақсадида ҳам жазо чоралари оғирлаштирилмоқда. Жумладан, вояга етмаган шахсни кучли таъсир қилганга эга моддани истеъмол этишга жалб қилганлик учун тўғридан-тўғри жиний жавобгарлик, шунингдек, ушбу моддаларни айнан таълим ташкилотлари, талабалар ётоқхоналари, болалар оромгоҳларида ёки уларга туташ ҳудудларда истеъмолга жалб этганлиги учун 5 йилдан 10 йилгача озоодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилмоқда.

Бундай қатъий чоралар қўрилишининг зарурати шундаки, сўнгги йилларда жиноятчилик орасида мактаб ўқувчилари ва талабалар борлиги қайд этилаётганлигидир. Қонунга киритилаётган ўзгантиришдан асосий мақсад эса вояга етмаганлар ва таълим муассасалари фаолиятига боғлиқ ҳудудлардаги ёшларни гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлардан ҳимоялаш ва уларни мазкур турдаги ҳуқуқбузарликлардан оғох қилиш орқали профилактик самарани ошириш ҳисобланади.

Шу билан бирга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жамоат жойларига гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки кучли таъсир этувчи моддаларни истеъмол қилганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланмоқда.

Демак, мазкур қонун жамоат ҳавфсизлиги ва тартибин таъминлаш, аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини ҳимоялаш, қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Дилдора КАМОЛОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Имконият

ЎЗБЕК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ – ПАРИЖДА

Ўзбекистон элчихонаси томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда “Тадбиркор аёл” халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси ҳамкорлигида бир гуруҳ тадбиркор аёлларнинг Францияга ташрифи ташкил этилди.



Ташриф доирасида Парижда “Made in Uzbekistan” ўзбек ҳунармандчилиги маҳсулотлари савдо уйининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистоннинг Франциядаги элчиси Нодир Ганиев, Тошкент шаҳар хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш маркази директори Сайёра Жўраева ҳамда бир гуруҳ тадбиркор аёллар, Франция ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ватандошлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, савдо уйи ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, унда хотин-қизлар ва ногиронлиги бўлган шахслар томонидан тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилади. Савдо уйининг асосий мақсади — Франциянинг кенг жамоатчилигига ҳунарманд аёллар томонидан ишлаб чиқарилган миллий маҳсулотларни намойиш этиш ва тарғиб қилиш, мамлакатларимиз ўртасида маданий мулоқот учун майдон яратишдан иборат.

Ташриф доирасида Ўзбекистон элчихонасида делегация таркибида келган тадбиркорлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда савдо уйи фаолиятини янада ривожлантириш, Францияда миллий маҳсулотлар ва ўзбек брендларини оммалаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки томонлама ҳамкорлиқнинг турли йўналишларида, жумладан, иқтисодиёт, мактабгача таълим, маданият ва бошқа соҳаларда қўша лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тақлифлар кўриб чиқилди.

Шунингдек, делегация аъзолари 2020 йилда очилган “Maison de l’Ouzbekistan” butik-галереяси фаолияти билан ҳам танишди.

Парижда “Made in Uzbekistan” ўзбек ҳунармандчилиги маҳсулотлари савдо уйининг очилиши ўзбек тадбиркорлари ва ҳунармандлари маҳсулотларини Франция ҳамда бошқа Европа давлатлари бозорларида тарғиб қилиш ва сотишни ташкил этиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган навбатдаги амалий қадам бўлди.

«Дунё» АА. Париж

Ўзбекистон – АҚШ: ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Янги тузилма БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши резолюцияси билан қўллаб-қувватланган Ҳазо секторидagi можарони тугатиш бўйича комплекс режани амалга ошириш доирасида шакллантирилди.

Мамлакатимиз — глобал кун тартибини белгилувчи субъектлардан бири

Тинчлик кенгаши можаронинг кескинлашув хавфини камайтириш, Ҳазо секторидagi иқтисодий ва ижтимоий тикланиш учун кулай шароитлар яратишга қаратилган. Бу фаровон иқтисодиёт ва тинч-осойишта ҳаётга эга Янги Ҳазони барпо этиш, истиқболда Фаластин давлатини тузиш имкониятини вуқудга келтиради. Ўзбекистоннинг Тинчлик кенгашида иштироки эса мамлакатга муҳим халқаро масалалар, жумладан, Ҳазо можаросини ҳал қилиш бўйича ўз позициясини самарали ифода этиш имконини беради.

Ўзбекистон илгари сураётган тамойиллар — халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш ҳамда БМТ резолюциялари асосида Исроил ва Фаластин давлатларини тузиш — бугун дунё ҳам-жамияти томонидан тан олинмоқда. Мамлакатимизнинг можародан жабр кўраётган аҳолига қўрсатаётган амалий ёрдами “куруқ баёнотлар” эмас, балки инсон қадрини улуғлашга қаратилган аниқ ҳаракатлардир. АҚШ томонидан БМТ резолюцияларини амалга ошириш бўйича ижобий силжишлар кузатилаётгани Ўзбекистон каби давлатларнинг изчил позицияси самарасидир.

Тинчлик кенгашининг илк йиғилишига Ўзбекистоннинг таъсисчи давлатлардан бири сифатида тақлиф этилиши мамлакатимизнинг халқаро обрўси учун жуда катта уқуддир. Бунинг бир неча муҳим жиҳатлари бор. Биринчидан, Ўзбекистон ишончли шерик сифатида қўрилмоқда. Дунёнинг энг йирик геосиёсий марказлари (жумладан, АҚШ) мураккаб глобал муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистоннинг фикри ва иштироки билан ҳисоблашапти. Иккинчидан, Президентимиз томонидан халқаро минбарларда илгари суриллаётган гоғялар эндиликда амалий “Тинчлик кенгаши” форматига кўчмоқда. Учинчидан, бу нафақат давлат раҳбарига, балки бутун ўзбек халқига, унинг тинчликсевар



Прагматик ва натижага йўналтирилган дипломатик платформа

Кези келганда, Тинчлик кенгашининг моҳияти ҳақида ҳам тўхталаск. Бу аънаъвий, кўп ҳолларда бюрократик тўсиқларга дучор бўладиган халқаро ташкилотлардан фарқи ўлароқ, прагматик ва натижага йўналтирилган дипломатик платформадир. Дональд Трамп ташаббуси билан илгари сурилган ушбу тузилманинг асосий мақсади — дунёдаги энг кескин можароларни (хусусан, Яқин Шарқ, Украина ва Афғонистон йўналишларида) иқтисодий ва сиёсий келишувлар орқали ҳал этиш. Ўзбекистоннинг аъзолиги миллий манфаатлар нуктаи назаридан хавфсизлик, Кенгаш мақсад ва вазифаларининг ташқи сиёсат принципларига мослиги, Яқин Шарқ минтақасида Ўзбекистоннинг ҳаётий муҳим манфаатлари борлиги билан ҳам изоҳланади. Ташаббус кун тартибидagi энг муҳим йўналишлардан бири Ҳазо секторидagi ҳарбий-иқтисодий инқирозни бартараф этиш ва вазиятни тартибга солиш ҳисобланади.

Яқин Шарққа эътибор фақат дипломатик ёки иқтисодий манфаатлар билан чекланмайдиган, бу ердаги ўзгаришлар минтақавий, глобал ва миллий хавфсизликка бевосита боғлиқ. Хусусан, экстремизм таҳдидлари сабаб Ўзбекистон учун мазкур йўналиш доимий аҳамият касб этади. Айрим фуқаролар турли экстремистик гуруҳларга қўшилиб, кейин мамлакатга қайтган ҳолатлар кузатилган, давлат эса уларнинг қайтиши ва жамиятга мослашуви

учун шароит яратган. Бу ёндашув халқаро даражада ҳам эътироф этилган бўлиб, БМТ раҳбарияти Ўзбекистоннинг гуманистик сиёсатини юқори баҳолаган. Яна бир муҳим жиҳати, Яқин Шарқдаги кескинлик Афғонистон хавфсизлигига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Муаммоларни юмшатиш учун халқаро ҳамжамият — АҚШ, араб ва мусулмон давлатлари билан бирга Марказий Осиё мамлакатлари ҳам ҳамкорликда ҳаракат қилиши зарур. Шу контекстда Ўзбекистон раҳбарининг саммитдаги иштироки сиёсий ҳамда рамзий жиҳатдан муҳим. Бу мамлакатга бўлган ишонч ва унинг халқаро майдондаги нуфузини аңглатади. Сирасини айтганда, расмий Тошкент бу масалага “тренд” учун эмас, хавфсизлик ва миллий манфаат логикаси билан қияпти. Бу йўл хавфсизлиқни олдиндан мустаҳкамлаш, дегани. Ушбу Кенгашнинг ўзига ҳослиги —

“Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари ҳақида сўз кетганда, икки мамлакат етакчилари ўртасидаги ўзаро сиёсий ишонч муносабатларда муҳим роль ўйнашни таъкидлаш жоиз. АҚШ Президентининг Шавкат Мирзиёевни “ўта масъулиятли ва айтганини албатта амалга оширадиган лидер” деб таърифлаши халқаро сиёсатда кам учрайдиган ҳолат. Бундай баҳо икки давлат раҳбарлари ўртасидаги шахсий ишонч юқори эканини, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ваъдалари ва амалий ишлари мутаносиблигини аңглатади.

Алоқаларнинг юқори сифат босқичи

Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари ҳақида сўз кетганда, икки мамлакат етакчилари ўртасидаги ўзаро сиёсий ишонч муносабатларда муҳим роль ўйнашни таъкидлаш жоиз. АҚШ Президентининг Шавкат Мирзиёевни “ўта масъулиятли ва айтганини албатта амалга оширадиган лидер” деб таърифлаши халқаро сиёсатда кам учрайдиган ҳолат. Бундай баҳо икки давлат раҳбарлари ўртасидаги шахсий ишонч юқори эканини, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ваъдалари ва амалий ишлари мутаносиблигини аңглатади.

Ўзбекистон ва АҚШ етакчилари ўртасида сўнгги ойларда тез-тез бўлиб ўтаётган мулоқотлар Ўзбекистоннинг нафақат Марказий Осиёдаги муҳим ролини, балки глобал инқирозларни ҳал этишда халқаро ҳамжамият

унда фақат “катта еттилик” эмас, балки ўз минтақасида сўзи ва таъсири бор, ваъдасига содиқ ва барқарорликка интилувчи “ўрта кучлар” иштирок этмоқда. Ўзбекистоннинг ушбу сафда бўлиши мамлакатимизнинг минтақавий лидерлиги тан олинганини аңглатади.

Тинчлик кенгашининг тузилиши дунё тизимида бир неча янги тамойиллар қарор топаётганидан далолат беради. Энг аввало, дунё тинчлиги энди фақат супердавлатлар қўлида эмас. Ўзбекистон каби давлатлар глобал қарорлар қабул қилиш жараёнига бевосита жалб этилмоқда. Боз устига, бу иқтисодий дипломатиянинг устуворлиги. “Тинчлик — бу иқтисодий фаровонлик” тамойили асосий ўринга чиқмоқда. Қолаверса, дунё блок ва гуруҳларга бўлинишдан қурб, аниқ лойиҳалар ҳамда тинчлик ташаббуслари атрофида бирлашишга ўтмоқда.

ХУШ КЕЛДИНГ, МОҲИ РАМАЗОН!

Президентимизнинг муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон халқига табриги юртдошларимиз томонидан кўтаринки руҳда кутиб олинди.

Шукуҳ

Бинобарин, Рамазон қалблар покланадиган, савоб ишлар кўпаядиган, меҳр-оқибат ва бағрикенглик мустаҳкамланадиган, инсон қадри улуғланадиган муборак ойдир. Кейинги йилларда муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ўзаро аҳиллик, саховат ва шукроналик ғояларини ўзида муқаммас этган муборак Рамазон ойи халқимиз қалбига янада яқин ва мўътабар айёмга айланмоқда.

Президентимизнинг “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”-ги қароридида белгиланганидек, мазкур кўтлуг ойда “Рамазон — меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи” деган эзгу ғоя асосида ҳамда Ижтимоий Ҳимоя миллий агентлиги орқали 300 млрд. сўм ахратирилиши белгиланди. Бу маблағлар ҳисобидан эҳтиёжманд оилаларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади, ногиронлиги бор шахсларнинг даволаниши ва жарроҳлик амалиёти харажатлари қоплаб берилади.

Кувонарлиси, Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий Ҳимояси давлат томонидан янада кучайтирилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан айни масалага бағишлаб ўтказилган йилгилишда меҳр-мурувват тadbирларини амалга ошириш учун “Вақф” хайрия жамоат фондига 750 млрд. сўм ҳамда Ижтимоий Ҳимоя миллий агентлиги орқали 300 млрд. сўм ахратирилиши белгиланди. Бу маблағлар ҳисобидан эҳтиёжманд оилаларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади, ногиронлиги бор шахсларнинг даволаниши ва жарроҳлик амалиёти харажатлари қоплаб берилади.

Бу ойда рўздор инсоннинг сифатли овқатланиши, албатта, муҳим. Бу эҳтиёж эса ҳар кишини озиқ-овқат маҳсулотларини хариж қилиш учун бозорга, савдо мажмуаларига етаклаши табиий. Шукри, юртимизда мазкур ҳолат алоҳида эътиборга олинмоқда. 13 февраль куни Президентимиз раислигида тармоқ ва ҳудудларда юқори иқтисо-

дий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган винидеоселектор йиғилишида муборак Рамазон ойи бошланиши муносабати билан ички бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим экани таъкидланган.

Берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида бутун мамлакатимизда бўлгани каби Хоразм вилоятида ҳам барча шаҳар ва туманлардаги деҳқон бозорлари ҳамда йирик савдо комплексларида арзонлашган озиқ-овқат ярмаркалари фаолият бошлади.

Бу йил муборак Рамазон ойи эрта кўкламдаги ободонлаштириш, кўчат экиш тadbирларига ҳамоҳанг келяпти. Шу боис маҳаллаларда ободлик, саранжом-саришталлик, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги тadbирларга алоҳида эътибор қаратилади. Диний маърифат тарғиботи, экстремистик ва бузғунчи ғояларга қарши кураш, ёшларимизни ёт оқимлар таъсиридан асраш доимий диққат марказимизда бўлади.

Мазкур ойини муносиб тарзда ўтказиш бўйича амалга оширилаётган чора-tadbирлар юртимизда виждон эркинлиги ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги давлат сиёсатининг яна бир амалий ифодасидир.

Сирасини айтганда, илму маърифат, меҳр-мурувват, ҳайр-саховат палласи — муборак Рамазон ойи ҳар бир хонадонга бахт ва шодлик олиб кирмоқда.

Хуш келдинг, моҳи Рамазон!

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилояти
бош имом-хатиби, «Имом Бухорий»
ордени соҳиби.

Семинар

РАНГ-БАРАНГ ТАСВИРЛАРДА — ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойна” ижодий уюшмасининг Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида амалга оширилаётган ислохотларни кенг тарғиб қилиш, белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга бағишланган кўргазмали семинари ўтказилди. Унда ижодий уюшманинг кенгаш аъзолари, ҳудудий бўлимлари раҳбар ва ходимлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Тadbир аввалида кўҳна шаҳар тупроғида мангу кўним толган улуғлар макбараси зиёрат қилинди. Янгидан бунёд этилган Имом Бухорий мажмуасига борилиб, бу ерда амалга оширилган улкан қурилиш-бунёдкорлик ишлари билан танишилди.

Семинарда Президентимиз томонидан 16 февраль куни қабул қилинган “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони билан жорий йилга мўлжалланган устувор ислохотлар йўналишлари белгиланган берилгани таъкидланди.

— Фармон ва у асосида тасдиқланган дастурга кўра, жорий йилда маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштиришга 20 триллион сўм маблағ йўналтирилиб, уларга Янги Ўзбекистон қиёфаси олиб кирилади, — деди “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси бошқаруви раиси Исфандиёр Латилов. — Бундай кенг кўламли иш нафақат ҳукумат ҳамда маҳаллий ҳокимликлар, давлат органларига, балки барча ташкилотлар, ижодий уюшмалар ва ҳар бир фуқаро зиммасига улкан масъулият юклайди. Мазкур ўзгаришлар ва уларнинг аҳамиятини халқимизга кўрсатиш, бутун дунёга намён этишда “Тасвирий ойна” ижодий уюшмасининг муносиб ўрни, фаол позицияси бўлиши лозим. Шунинг учун йил аввалида сизлар билан учрашиб, бу борадаги вазифаларимизни белгилла олишга қарор қилдик.

Тadbирда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва бу жараёндан



юртдошларимизни тасвирий воситалар орқали кенг хабардор этишда “Тасвирий ойна”нинг ўрни муҳим экани таъкидланди. Ўз навбатида, ташкилот олдида турган вазифалар ва уларнинг ижросида эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатлар ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, ижодий уюшма томонидан 2025 йилда амалга оширилган лойиҳалар таҳлилга тортилиб, 2026 йил Давлат дастури асосида режалаштирилган вазифаларни самарали амалга ошириш усуллари муҳокама марказида бўлди. Ижодий уюшма ҳудудий бўлимларининг энг яхши ишлари намойиш этилиб, илгор тажрибаларни оммалаштиришга қарор қилинди. Жорий йилда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги ва яна қатор алломалар, адиблар юбилей саналари кенг нишонланиши муносабати билан тайёрланиши керак бўлган тарғибот материаллари, уларнинг намуналари келишиб олинди.

Семинарда иштирокчилар томонидан билдирилган тақлиф ва тавсиялар келгусида жойларда маданий-маърифий ишларни кучайтириш ҳамда тасвирий тарғибот воситаларининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

«Халқ сўзи».

Изланар

Ўзбек олимнинг хориждаги ютуғи

Ўзбекистон
Фанлар академияси
Умумий ва ноорганик
кимё институти катта
илмий ходими
Абдорбек Рўзметов
Финляндиянинг Турку
университетида
илмий амалиёт ўтаб,
замонавий
материаллар кимёси
йўналишида муҳим
илмий натижаларга
эришди.

Амалиёт давомида гидроксидбензол кислоталари асосида “3D” металлари билан янги координацион бирикмалар синтез қилиниб, уларнинг тузилиши ва хоссалари чуқур таҳлил этилди. Натижада илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Тадқиқотлар жараёнида солвотермал синтез, мой остида кристалланиш, қатламли синтез ва эритувчи диффузия каби илгор лаборатория технологиялари ўзлаштирилиб, маҳаллий илмий амалиётга трансфер қилинди.

Эътиборлиси, ушбу натижалар фармацевтика, катализ ҳамда янги функционал материаллар яратиш соҳаларида қўлланилиши мумкин бўлган илмий асосни шакллантиради. Мазкур ишланмалар келгусида патентлаш ва нуфузли халқаро журналларда эълон қилиш учун тайёрланмоқда.

«Халқ сўзи».



Ассалому алайкум, Анзират буви! Тинч-тотув, эсон-омон яшаб юрибмиз, шукр! Маҳаллаимиздаги янгиликлардан сўрасангиз, мухбирларимиз барака топишин, барчасини оқизмай-томизмай, қўшиб-чатиб ёритиб ётишибди. Айтганча, уйимиз ҳам ёруғ. Бурунгидак чироқ ўчишлар, лампа шиша билан ёритишлар йўқ. Бироқ фозил одамлар жамияти орозулигича қолаёттир. Шундан бўлса керак, вақти-вақти билан дардимни вақтли матбуот орқали дастурхон қилиб тураман. Чунки аччиқ гап тиш ичида қолса, моғорлай бошлайди. Ҳа, ундан кейин ўша оғиздан чиқаётган сўзнинг “ҳиди” кўпчиликка ҳам ҳузув бағишламайди-да. Сассиқдан кўра, аччиқ дуруст. Шундай эмасми, буви?

Сизга айтсам, ўтаётган кунларимизнинг бирида Тошкент вилоятидаги Нурафшон шаҳри ҳокими Илхом Қиличонов шаҳардаги Дегантепа маҳалласида аҳоли билан учрашиб, уларнинг тақлиф ва муаммоларига қулоқ тутди, масъулларни ўрнидан турғизиб қўйиб, зарур топшириқларни берди. Мулозимлар ҳамма арз-додни, ҳамма муурожаатни нукта-вергул қўйиб ёзиб олди. Очик мулоқот тафсилотларига бироздан сўн бафуржа тўхталаман. Ҳозир гап жамоатчилик назорати, аниқроғи, Сиз ҳақингизда, Анзират буви.

Биз Сизни, шу билан бирга, Холмат ота ва Мاستон момони 1982 йилда Рихсивой Мухаммаджонов сценарийси асосида тасвирига олинган кинорежиссёр Мелис Абзаловнинг “Суюнчи” фильми орқали жуда яхши таниймиз. Бу фильм халқимизнинг қонқониға сингиб кетган, десам, сира адашмайман. Мазкур фильмдаги диалоглар оддий одамлар орасида ибораларга айланиб кетгани ҳам сўзимни тасдиқлайди.

Чол-кампирад ўғити ҳаммага ҳам бирдай хуш келавермаслиги табиий. Шунинг учун ҳам Сиз каби

инсонларни, набирангиз таъбири билан айтганда, “ҳамма ёмон кўради”. Бироқ Сизлар “оилада тартиб-интизом бўлишини хоҳлайсиз”, холос. Рост, Сиз ҳамманинг ишига аралашаверасиз. Гарчанд, суд ё прокурор бўлмасангиз-да, маҳалладошларингиз тақдирига нисбатан дахлдорлик ҳисси билан яшайсиз.

Фильмда Сизни “феодал бўлиб кетган” дейди набиранларингиздан бири. Хоҳлаган одамнингизни уришингиз, хоҳлаган одамнингизга уйлантирмоқчи бўлишингиз ҳам ёлгон эмас ва бу яқинларингизнинг ҳақи эътирозларига сабаб бўлади. Сиз қайси замонда яшаётганингизни жуда яхши биласиз. Шу билан бирга, оилавий-ижтимоий мажбуриятлардан юз ўтирилган ҳаҳзада ҳаёт издан чиқибди, бундай турмуш тарзи орқали рисоладагидек яшаб бўлмас-

“Чол-кампирад ўғити ҳаммага ҳам бирдай хуш келавермаслиги табиий. Шунинг учун ҳам Сиз каби инсонларни, набирангиз таъбири билан айтганда, “ҳамма ёмон кўради”. Бироқ Сизлар “оилада тартиб-интизом бўлишини хоҳлайсиз”, холос. Рост, Сиз ҳамманинг ишига аралашаверасиз. Гарчанд, суд ё прокурор бўлмасангиз-да, маҳалладошларингиз тақдирига нисбатан дахлдорлик ҳисси билан яшайсиз.

лигини ҳам ўз умрингиз мисолида чуқур англаб етгансиз. Ахир, ёлғиз боши билан не-не қийинчиликларга дош берган, тақдирнинг қанчадан қанча синовларидан сабот билан ўтган аёл — Сиз бўласиз-ку. Зеро, Холмат ота айтганидек, “Сизнинг эрингизни — биринчи раисни “қулқ”лар 30-йилда болта билан чопиб кетган, Сиз ёш ҳолингизча тул қолиб, бутун бир қишлоқни очарчиликдан қутқариб, бойлардан дон-дун тортиб олиб боққан... аёл учун бу қишлоқда ёт-бегона одам йўқ”. Шунинг учун ҳам қишлоқдошларингизга жонингиз ачиди, камчиликларга, миллий қадриятларнинг дарз кетишига жим қараб тура олмайсиз, сукут ва кузатиш виждонингизга хиёнатдир.

Дарҳақиқат, бу қишлоқда Сиз “бошлик баъзи бир пенсионерлар” қўяётган айблар билан ҳеч кимни жавобгарликка тортиб бўлмайди. Сизлар аралашаётган масалалар учун ҳеч қайси кодексда айблов белгиланмаган. Аммо булар кўз омиб ҳам бўлмайдиган ҳолатлардир.

Эсласангиз, фильм аввалида қишлоқ Тошкентдан вертолётда келар эдингиз. Фаросатли томошабин бу парвоз орқали юрагингизнинг нақард бақувват эканини англаши табиий. Бироқ йўл азоби — гўр азоби. Вертолётдан тушган, сафар чарчогини чиқариш учун уйга бориб, нафас ростласангиз ҳам бўларди. Лекин Сиз бундай қилмайсиз — тўпнатўғри шаҳарда даволаниб ётган Ҳожимурод отанинг уйига бордингиз. Сўнг унинг ўғлининг олдиға... Тўғри, ҳуқуқий жиҳатдан олиб қараганда, у ой давомида Тошкентдаги шифохонада даволанаётган отасидан хабар олмагами учун фарзандни жавобгарликка тортиб бўлмайди. Аммо қадрият нуктаи назаридан ёндашилса, ҳақ эдингиз. Фильм якунида бу ҳақиқат ўз тасдиғини топади ҳам. Ўғли ҳол сўраб борганидан сўнг

Миллион сўм ёрдам берилди — коммунал харажатлар учун, деб. Шу, холос. Уйимиз исимас эди, бултур кўзда қўшидан қарз, банкдан беш миллион сўм кредит олиб, қувур ўтказдик...

Шу ерга келганда онахоннинг кўзидан икки томчи ёш окди. Ҳақ рост, таъсирли ҳолат. Бу сўзларини эшитиб, мен ҳам “маҳалла еттилиги” масъулларини маломат ёмири остида қолдиришга ҳоziру нозир турган эдим. Шу вақт аёлнинг муурожаатини тинглаган ҳоким савол билан унга юзланди:

— Неча фарзандингиз бор, хола? — Учта.

— Бу уйингиздаги набиранларингиз-а? — Ҳа...

— Марҳум ўғлингизнинг эмас, ўзингизнинг неча фарзандингиз бор? — Саккизта, Худого шукр. Лекин улар биз билан турмайди, ўзларининг оиласи, уй-жойи, рўзғори бор.

— Менга маҳалла нозирини қақиринг! У ота-онасидан хабар олмайган саккиз болани қақиртирсин! Уларнинг ҳар бири билан ўтказилган профилактик суҳбат бўйича маъмурий баённома столимга кирсин!..

Бу суҳбат мен қатори кўпчиликни шошириб қўйди. У етим билан яшаётган ота-она саккиз фарзандни дунёга келтириб, воёга етказиб, уйли-жойли қилсаю муштипар ота-она совуқ уйдан арзи ҳол қилиб юрса. Очиги, саккиз фарзандга беш кетмадим, Анзират буви!

Шу ўринда, жамоатчилик назорати маҳалладан бошланиши хаёлга ва “Суюнчи” киноси хотирга келади. Ҳайҳот, Дегантепа маҳалласида маҳалладошлари тақдирига бефарқ бўлмаган бирорта сиздай қайвони ёки отасидан хабар олмагани учун ношуд ўғлини ҳассаси билан туртувчи бирорта Холмат ота топилмасе! Топилса эди, зора, онахон ёрдам сўраб ҳокимга муурожаат қилмаган бўлармиди?..

Ота-оналаримиз — бизнинг бахтимиз. Энг ганимат неъматимиз ҳам ота-оналаримиздир. Уларнинг ҳаёти, турмуши ва қайфиятига бефарқликни ҳеч қачон кеңири бўлмайди! Сизларни соғиниб қолгучи набирангиз

Отабек ИСРОИЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Талаба яратган «Экоқум» лойиҳаси

Наманган давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси Умидаҳон Йўлдошева болалар учун экологик тоза “Экоқум” лойиҳасини ишга туширмоқда.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигидан маълум қилинишича, мазкур маҳсулот бентонит (гилвата) асосида тайёрланиб, болаларбоп ўйин куми ҳисобланади. Лойиҳа мактабга таълим муассасаларида болалар учун қулай ҳамда хавфсиз муҳит яратиш, ижодкорлик ва қўл меҳнатини ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятли.

Эътиборлиси, ушбу ғоя билан талаба “Мирзо Улугбек во-рислари” танловида ғолиблар сафидан ўрин олди. Айни пайтда Наманган вилоятидаги қатор боғчалардан “Экоқум” маҳсулотига дастлабки буюртмалар ҳам келиб тушмоқда.

«Касблар шаҳарчалари»нинг афзаллиги нимада?

Давлатимиз раҳбарининг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони билан касбларни ривожлантиришга қаратилган устувор ислохотларнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.



Унга кўра, 2026/2027 ўқув йилидан 7 та ҳудудда илгор касбий маҳорат техникумларида “Касблар шаҳарчалари” ташкил этилиб, улар орқали мактаб ўқувчиларини замонавий касбларга йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу ўқув йилидан бошлаб техникумларда стипендия тўлаш амалиётини йўлга қўйиш, ҳудудларда малакани баҳолаш бўйича 24 та марказ очилиб, меҳнат бозорига тан олинадиган сертификат бериш ҳам жорий қилинади.

Энергия муаммосига илмий ечим

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Амалий нанотехнологиялар лабораториясида маҳаллий хомашё асосида экологик хавфсиз ҳамда узоқ муддат хизмат қиладиган ванадийли оқувчан аккумулятор технологияси ишлаб чиқилди.



Қайта тикланувчи энергия (қуёш, шамол, ГЭС) доимий эмас. Шунинг учун катта ҳақмил энергия сақлаш долзарб масала. Бу йўналишда айнан ванадийли оқувчан аккумуляторлар энг истиқболли ечим бўла олади.

Тадқиқот натижаларига кўра, қайта ишланган маҳаллий “V205” дан арзон ва самарали электротит тайёрланди. Қайта ишланган “V205” тозалиги 99,6 фоиз экани илмий тасдиқланди. Ва лаборатория шароитида бир ячейкали аккумулятор модели синовдан ўтказилди. Тажриба-синовлар жараёнида 300 циклда давомида энергия самарадорлиги 90 фоиз, сиғими 28 mAh/g натижа билан барқарор ишлаши аниқланди.

Яратилган технология ванадийли оқувчан аккумуляторларни арзонлаштириш, энергия сақлаш тизимларини маҳаллийлаштириш ҳамда “яшил” энергетикани ривожлантиришда муҳим қадам ҳисобланади.

«Халқ сўзи».

2026/2027 ўқув йилидан стандардлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш йўналишларида таҳсил олаётган ОТМ талабалари учун «Махсус стипендия» таъсис этилади.

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси кузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 25 654 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезетимиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

133N 0010-878A

4 720316 978004

Тахриратта келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — А. Алиқулов.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 06.45 Топширилди — 07.15 1 2 3 4 5 6